

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 40 (40), 2020 йил 19 март, пайшанба



## ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус муаммосига тўхталиб ўтди.

Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан орტიқ мамлакатда тарқалди. Дунё миқёсда касалланганлар сонини 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 мингдан зиёд бемор тузалди. Эпидемия кенг ёйилиб кетгани сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириқига мувофиқ, Республика махсус комиссияси тузилган эди. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Ҳозирда 6 мингга яқин киши карантинга олинган. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар чекланган. 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда уйларида жўнатилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилувчи.

Тиббиёт муассасалари фаёқулдада иш режими ўтказилди. Сихаттоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, химия ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Хориждаги юрtdошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда. Чегараларда ҳаракат чекланди, аммо транспортда

юк ташиш тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга кўплаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ёки чиқиб кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга муурожаат қилди:

— Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз яқинлигимиз ва, ишонимизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур. Касалликни яширмадан, ўз вақтида муурожаат қилиш унинг олдини олишда энг самарали чорадир.

Иккинчидан, озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўрилувчи. Давлат солиқ кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бу борадаги ишларни кучайтириши керак.

Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо кўпга келган бу баалога қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

Барча давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, муҳтарам нурунийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар бирлашмалари фаоллари оммавий ахборот воситалари орқали халқимиз ва кенг тушунтириш ишларини кучайтиришига ишонаман.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди.

Телерадиоканалларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини "пиар қилиш" ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади.

Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим.

Давоми 2-бетда

## МАҲАЛЛА ВА ОИЛАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март куни маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, Президентнинг жорий йил 18 февралдаги фармони ва қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Йиғилишда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди.

— Вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари амалий ишлар ва натижадорликка ўтиши керак. Бунинг учун барча ресурс, ваколат ва шароит қилиб берилди. Бундан кейин масъуллардан ҳар бир маҳалла бўйича аниқ натижа сўралади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар бир оила билан манзилли ишлайдиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган янги тажриба яратиш зарурлиги таъкидланди.

Президент ажримлар масаласига алоҳида тўхталиб, кичик маиший сабаблар жиддий оқибатларни келтириб чиқараётганини афсус билан қайд этди. Вазирлик раҳбарлари, жойлардаги мутасаддилар натижа оилалардаги аҳолини олдиндан ўрганиб, муаммони бартараф қилиш бўйича манзилли ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Маҳаллалар қошида бўлғуси келин-куёвларни оилага тайёрлаш бўйича

қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб, уларга психологлар, обрўли отахон ва онахонларни бириктириш, "Ибратли оила" танловини ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Юртимизда 22 мингга яқин хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшамоқда. Улар кам таъминланган, ишсиз, уй-жойга муҳтож ва ногиронлиги бор аёллар бўлиб, ҳар бирининг муаммосига индивидуал ёндашув талаб этилади.

Йиғилишда аёлларнинг турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қасб-хунари бор ишсиз хотин-қизларга кўмаклашиш бўйича Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бошланган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хотин-қизлар ўртасида бизнес лойиҳа бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга грантлар, кредит ва жой ажратиш, мақсадли жамғармалар ҳисобидан кўчма савдо пунктлари ташкил этиб, уларни ижарга бериш, йирик савдо марказлари ва корхоналарда ахтиёрлик билан аёллар тайёрлаган маҳсулотларни сотиш тизимини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яқин қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, кўп қиррали ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида кенгайтириш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сўбатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Коронавирус пандемиясига қарши самарали курашишни

таъминлаш ва унинг икки томонлама алоқаларга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқин ҳамкорлик қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот сўнгида Президентлар бир-бирини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини кириб келаётган баҳор, бахт-саодат ва янгиликни айёми — Наврўз билан самимий қутладилар.

Ушбу файзли байрам асрлар оша мустаҳкам дўстликка асосланган, тарихи ва

маданияти муштараклиги, тили, анъана ва урф-одатлари ўхшашлиги билан ҳамбарчас болган халқларимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисми экани қайд этилди.

Президент Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилади. Бугунги мушкул даврда Туркменистон ҳар томонлама кўмаклашишга ва янги хавф-хатарларни биргаликда бартараф этишга тайёр экани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда жорий эпидемиологик вазият ҳамда ҳар икки мамлакатда коронавирუს инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича қўриқилган кенг қўламли чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ушбу пандемияга қарши самарали курашиш ва эҳтимовий оқибатларни камайтириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва ўзаро мувофиқлашган ҳаракатларни

қилаётган баҳор, янгиликни ва яшариш байрами — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий табриқладилар.

Президентлар қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилаб, янги хавф-хатарларни тез фурсатда бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари яқинлашиб

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И Т О Ш К Е Н Т Ш А Ҳ Р И Д А Р А Қ А М Л И Т Е Х Н О Л О Г И Я Л А Р Н И К Е Н Г Ж О Р И Й Э Т И Ш Ч О Р А - Т А Д Б И Р Л А Р И Т Ў Ғ Р И С И Д А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланishi таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини

юритиш ва "рақамли иқтисодиёт"ни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Рақамли Тошкент" комплекс дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш бўйича тақлифига розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи "Рақамли Тошкент" комплекс дастури:

2020-2021 йилларда жорий этиладиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

"Рақамли Тошкент" комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

2020 йилда телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) муурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби белгиланади.

1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинади.

Апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилинади.

Тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинади.

Божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувни амалга оширган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилганга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилади.

"Суд тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Жиноят ва Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

1 апрелдан эътиборан, Ўзбекистон фуқароларига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк харид қилишда доимий прописка талаб қилинмайди.

Республиканинг бошқа ҳудудларида доимий пропискага эга бўлган фуқароларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларида кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади.

ЎЗА

# ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

Азиз ватандошлар!  
Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори бизнинг ҳам иқтисодий таъсирга салбий таъсири бўлиши табиий.

Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозорида нефтнинг нархи (бир баррели 60 доллардан қарийб 30 долларга) кескин пасайиб кетгани оқибатида газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин.

Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадриятининг мамлакатимизга ҳам, албатта, валюта тушумини камайтиради. Хорижий туристлар сони ва тушум миқдори камайиши мумкин. Булар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди.

Менинг топширигимга мувофиқ, Махсус ишчи гуруҳ туризм, транспорт, фармацевтика ва энгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима қўлланмаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўромоқда.

Хукумат қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириши зарур. Бу жараёнда, аввало, молия ва хомашё бозорида беқарорлик юзга келишига йўл қўймайлик.

Иқтисоддан, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур.

Учинчидан, иқтисодий таъминнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак.

Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиз бўлиши шарт.

Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз коронавирусга қарши кураш фаолиятини ошқоралик тамойиллари асосида олиб бораёмиз.

Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб бораёмиз. Керакли чораларни янада кучайтираемиз.

Бугун мен икки қўшни давлат — Қозғистон ва Туркманистон раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бўйича барча масалаларни келишиб олдик.

Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади, деб ишонаман.

Яна бир муҳим масалага барча мутасаддиларнинг эътиборини қаратмоқчиман.

Сўнгги йилларда санитария-эпидемиология масаласига жиддий аҳамият бермоқдамиз. Ҳозирда юртимизда республика даражасидаги 2 та шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Бирок кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун аксариятнинг моддий-техник базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шу сабабли, бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан ислоҳ қилиш ва фаолият самардорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Мазкур хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилади.

Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши зарур.

Ички молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар бартараф этиш, захираларни шакллантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, бажариш лозим.

Бош вазир республика даражасидаги ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижроси учун шахсан масъул бўлади.

Асосий масала — моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини учун маблагни аямаслигимиз зарур.

ЎЗА

# МАҲАЛЛА ВА ОИЛАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланғичи 1-бетда

Бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллион 335 мингдан зиёд ишсизлар, 125 мингдан ортиқ боқув-чисини йўқотган оилалар мавжуд. Шунингдек, 1 миллион 400 мингга яқин ёшлар хорижга ишлаш учун кетган. Бу инсонларнинг аксарияти касбга эга эмас.

Яшнобод туманида бошланган “Ишга марҳамат” мономаркази тажрибасини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллежда, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камидан биттадан ташкил этиш бўйича топширик берилди. Талаб юқори бўлган касб-хунарларни эгаллаган киши ўз ишмини топиб кетади.

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларнинг меъморий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, баҳорги ободонлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларидан одамлар норозилиги таъкидланар экан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бу тизимни такомиллаштириш бўйича қатъий вазифа қўйилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, инсон саломатлигини таъминлашнинг 55 фоизи соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишга боғлиқ. Шу боис, ҳар бир кишлоқ ва шаҳар поликлиникасига, врачлик пунктларига тўғри овқатланиш, гигиена ва жисмоний тарбия бўйича мутахассис штатлари ажратилади.

Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, пиёда юришининг фойдасини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш ишларини “умуммиллий ҳаракат”га айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратди. Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказига маҳаллаларда кутубхона, маданият уйлари, кино заллари, музика ва санъат тўғралик ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Қалбига санъат ва китоб нури кириб борган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда жиноятчиликни

живолаш масалалари ҳам атрофлик муҳофама қилинди.

Утган йили жиноятлар сони 2 минг 922 тага камайган бир пайтда 20 фоиз маҳаллада жиноятчилик сони ошган.

Президент одамлар тинч-тотув яшаш учун ҳар бир маҳалланинг “қўлф-қалити” бўлиши кераклигини таъкидлади.

Криминоген вазият оғир маҳаллаларда алоҳида чора-тадбирлар амалга ошириш, керак бўлса, маҳаллий бюджетдан қўшимча маблағ, куч ва воситалар жалб этиш бўйича топшириқ берилди.

Таъкидланганидек, эндиликда маҳалладаги вазиятга профилактика инспектори билан бирга Миллий гвардия ҳам бирдек жавоб беради. Шу боис, Миллий гвардиянинг ҳуқуқбузарларни аниқлаш, ушлаш, уларга чора қўриш ваколатларини такомиллаштириш зарур. Ушбу тузилма ходимлари аҳоли гавжум жойларда мустақил патруллини олиб бориши лозим. Мутасаддиларга бу борада ташкилий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳофама қилинган масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар ҳисобот берди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

**2021-2023 йилларда истиқболли ахборот тизимлари** ва дастурий маҳсулотлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий вазифаси этиб шаҳар хизматларини бошқариш, ижтимоий соҳа объектиларини, ишлаб чиқариш, йўл транспорт ва коммунал инфратузилманинг интеграциялашган ахборот муҳитини яратиш ва кейинчалик муваффақиятли тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида татбиқ этиш белгилансин.

3. Дастурга асосан **2020 йилда** қуйидагилар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

1 майга қадар авиа, темир йўл ва бошқа транспорт хизматларига **электрон чипталарни онлайн сотиб олиш ягона ахборот тизимини** жорий этиш;  
1 сентябрга қадар барча умумтаълим мактабларида журнал ва ўқувчиларнинг қўндаликларини қўғоз шаклида юриштириш бекор қилиш ҳамда уларни электрон тарзда юриштиришга мўлжалланган **ягона ахборот тизимини** ишга тушириш;

1 ноябрга қадар коммунал хизматлар (табиий газ, электр энергияси, ичимлик сув ва иссиқ сув) бўйича тўловларни онлайн тўлаш ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электрон ҳамкорликни таъминловчи **“Менинг уйим” ягона ахборот тизимини** жорий этиш;

1 декабрга қадар **“Ягона электрон тиббий карта”** ахборот тизимини жорий этиш ва **“Электрон поликлиника”** ахборот тизимига **62 та** оилавий поликлиникани улаш.

4. Қуйидагилар:  
а) Тошкент шаҳар ҳокимлиги таъсисчилигида масъулияти чекланган жамяти шаклида **Рақамли ривожланиш департаменти** (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:  
шаҳарнинг географик ахборот-таҳлил тизимини яратиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини ва бошқа ахборот манбаларини ягона дастурий платформа орқали Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш**;

Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот тизимларида **маълумотларнинг ҳимояси ва сақланишини таъминлаш** бўйича самарали ишларни ташкил этиш;  
ахборот тизимлари ва **дастурий маҳсулотларни тижоратлаштириш**, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг кредитлари ва грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилиш;

б) Департамент тузилмасида **тармоқ Лойиҳа офислари** (кейинги ўринларда — Лойиҳа офислари) ташкил этилсин ва уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг концепциялари, лойиҳа ва техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тегишли йўналишлардаги ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва дастурий маҳсулотларга хизмат кўрсатиш;

шаҳар хизматларининг **рақамли маълумотларини биржиллаштириш** ва уларнинг Дастурга интеграциялашуви, давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларида **ягона идентификатор ва таснифлагичларни жорий қилиш** ҳамда улардан фойдаланиш;

в) Департамент хузурида **“Рақамли пойтахт” ахборот-таҳлил маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳар хизматларида ахборот тизимларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги натижасида олинган **маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш**;  
шаҳар атроф-муҳитини ривожлантиришда **тизимли муаммоларни аниқлаш**, шаҳар хизматлари самарадорлигини ошириш ва умуман, шаҳар муҳитини яхшилаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой мuddатда Департамент фаолиятини ташкил этсин, уни малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

5. Белгилансинки, Департамент ходимларига давлат бошқаруви органларининг ходимларига белгиланган иш ҳақи миқдори ҳамда қонунчиликда белгиланган қўшимча ва устамалар қўлланилади.

Тошкент шаҳар ҳокимига Департаментга мутахассисларни бир йиллик меҳнат шартномалари асосида иш ҳақини мустақил белгиланган ҳолда ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов (тендер) савдоларини ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мустақил консалтинг ташкилотларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент шаҳар маҳаллий **бюджети маблағлари Департаментнинг жорий харажатларини молиялаштириш манбаи** этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Департаментнинг жорий харажатларини молиялаштириши 2020 йилда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

6. Жорий йилнинг **1 апрелидан** бошлаб қуйидаги йиғимлар ва жарималар Тошкент шаҳар **маҳаллий бюджетига ўтказилсин**:

а) **тўлиқ миқдорда**:

Тошкент шаҳрида **ташқи реклама объектиларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш** (тарқатиш) ҳуқуқи учун ойлик йиғим, ташқи реклама объектилари учун реклама жойлари паспортларини беришдан тушадиган маблағлар ҳамда ташқи реклама объектиларини қуриш ҳуқуқи учун электрон аукцион яқунлари бўйича тўланган маблағлар (аукцион савдоларини ўтказганлик учун савдо ташкилотчисига тўланадиган маблағ чегириб қолingan ҳолда);  
Тошкент шаҳрида ташкил этилган йўл четида пуллик вақтинча автомобиль тўхтаб туриш жойларида **тўхтаб туриш қоидалари бузилганлиги учун жарималар**;

б) Тошкент шаҳрида махсус автоматлаштирилган **фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималарнинг 80 фоизи**, қолган 20 фоизи эса — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жағмагармасига.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ижро аппарати тузилмасига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича **ҳоким ўринбосари — Департамент раҳбари** лавозими киритилсин.

Белгилансинки, вазирликлар ва бошқа давлат органлари раҳбарларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ўринбосарлари Департамент ва Лойиҳа офислари билан самарали ҳамкорлик қилиш учун шахсан жавобгардир.

8. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида: Лойиҳаолди ўрганишлар, лойиҳани амалга ошириш бўйича концепция ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш Лойиҳа офислари томонидан амалга оширилади;

Лойиҳа-техник ҳужжатларининг экспертизаси фақат Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Киберавф-сизлик маркази” ДУК томонидан ўтказилади;

Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилари ва интеграторларни жалб қилиш, улар билан шартномалар тузиш Департамент томонидан танлов орқали амалга оширилади;

Департамент ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва интеграторлар билан **1 миллилардан сўмгача бўлган миқдорда лойиҳалар** бўйича Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки **резидентлари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан шартнома имзоплаш ҳуқуқига эга**.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда**:

ноёб идентификаторлар, каталоглар ва таснифлагичлардан фойдаланилиши бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини тўлиқ қатловдан ўтказилишини; идоралараро электрон ҳамкорлигининг ягона технологик талаблари, стандартлари ва шаклларини, шунингдек, Дастурни амалга ошириш доирасида таснифлагич ва маълумотномалар рўйхати тасдиқланишини; амалдаги маълумотлар базалари ва дастурий маҳсулотларнинг бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларини интеграция қилиш чоралари ишлаб чиқишлигини;

Департамент ва Марказга Тошкент шаҳрининг “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимига кириш ҳуқуқи берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда **бир ой мuddатда** Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети негизда давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимлари — Дастур ижрочиларининг рақамли технологиялар ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини **босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**.

11. “Узстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 августига** қадар аппарат-дастурий комплексларни

яратиш бўйича мавжуд давлат **стандартлари ва техник талабларини қайта кўриб чиқсин**.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) **2020 йил 1 сентябрдан** ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишда давлат органлари ва ташкилотлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган **ягона технологик ечимлар, таснифлагичлар ва стандартлардан фойдаланиш**;

дастурий маҳсулотларни жорий этишда, асосан, **лицензиялаш чекловлардан холи ягона очиқ форматдаги электрон ҳужжатлардан фойдаланиш таъминлаш**;

тасдиқланган тегишли миллий **стандартлар ва техник талабларга мувофиқ** аппарат-дастурий тизимларни ўрнатиш;

б) **2020 йил 1 майдан** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборотни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш фақат қуйидаги **ноёб идентификаторлардан фойдаланган ҳолда** амалга оширилади:

жисмоний шахслар — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);  
юридик шахслар — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);  
кўчмас мулк — кадастр рақами;  
манзиллар — географик код;

транспорт воситалари — транспорт воситасининг идентификация рақами.

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тегишли йўналишларда махсус ўзига ҳок идентификаторлар белгиланиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020 йил **1 майга қадар** шаҳар инфратузилмасининг ҳолати, давлат хизматларининг сифати ва аҳолини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун **“Халқ назорати” портали** ва **мобил иловасини ишга туширсин**.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Миллий географик ахборот тизими фаолияти доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлигига зарур картография материалларини бегараз тақдим этсин, шунингдек, кўчмас мулк объектиларини манзилларининг ягона реестрига кириш, кўчмас мулк объектиларига географик жойлашнинг ҳисобот олинган ҳолда объектининг фазовий маълумотларини тақдим этсин.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **Рақамли Тошкент вазиятлар марказини** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, И.Каримов кўчаси, 51-бинода жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудида қуриш тўғрисидаги тақиқига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 17 март

Суд ва ҳуқуқ

# СУД ФАОЛИЯТИНИНГ ОШКОРАЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Республикамизда суд тизимига инновацион ечимлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Баҳром Очилов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.



ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилди. Шу пайтгача 20128 та суд мажлиси видеоқонференцалока режимидан фойдаланган ҳолда ўтказилди, натижада тарафларнинг 14,4 миллиард сўм маблағи тежалди.

— Суд тизимидаги ҳозирги ислохотлардан қўзланган мақсад улар фаолияти очиқлиги, шаффофлиги ва теzkорлигини таъминлаш, иш юритиш сифатини ва одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат, — дейди Б.Очилов. — Бунинг учун норматив-ҳуқуқий база ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенароқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2017-2020 йилларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар дастури тасдиқланган. Дастур ижросини таъминлаш учун янги ташкил қилинган иқтисодий ва маъмурий судлар компьютер ва идора техникаси билан тўлиқ жиҳозланди. Туманлараро (туман, шаҳар) даражадаги судлар ўртасида маълумот алмашиш учун ягона корпоратив алоқани ташкил этиш мақсадида барча суд бинолари оптик тоналли алоқа тармоғи орқали Олий суднинг корпоратив тармоғига уланди. Барча судларда ички локал тармоқ ишлаб турибди. Қўйи суд органлари учун жорий этилаётган ахборот тизимлари ва ресурслари, дастурий таъминотлар ва электрон реестрлар маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш маркази ташкил қилинди.

— Суд фаолиятининг автоматлаштирилиши қандай қулайликлар туғдиради?

— Аввало, бу судларда иш юритиш тартибини соддалаштириш, судьялар ва суд ходимларига қўлай меҳнат шaroитини яратиш, шунингдек, қозғов ва бошқа канцелярия товарлари сарфини кескин қисқартиришга олиб келади. Шу мақсадда иқтисодий, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига “E-XSUD” ҳамда “E-SUD” ахборот тизимлари жорий қилинди. Бу тизим аҳоли учун ҳам энг қўлай имконият ҳисобланиб, вақт ва харажатларни тежашда муҳим восита саналади.

Мазкур ахборот тизими афзалликларидан бири шунки, юридик ва жисмоний шахслар томонидан судларга тақдим этилган мурожаатлар электрон тартибда келиб тушади ва рўйхатдан ўтказилади. Судлар ўртасида ҳужжатларнинг электрон айланиши имконияти яратилади. Судьялар ва суд ходимлари томонидан ўтказилган ҳуқуқий тарғиботларни, суд амалиётини умумлаштириш соҳасида амалга оширилган ишларни, фуқароларни қабул қилиш ва натижаларига доир маълумотларни электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш, уларнинг доимий ҳисобини юритиб боришни таъминлайди.

Бундан ташқари, судлардан Мажбурий ижро бюросига ижро ҳужжатларини электрон кўринишда тўғридан-тўғри жўнатиш амалиёти жорий этилган. Мазкур дастурий таъминот судлар чиқарган ижро ҳужжатларини ўз вақтида ижро этиш учун юбориш, улар ижросига доир идоралараро солиштириш маълумотларини инсон омилсиз шакллантириш ва ҳоказо имкониятларни беради. Жиноят ҳамда фуқаролик ишлари, маъмурий ва иқтисодий судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларининг платформаси негизда “Ишларни автоматик равишда тақсимлаш” модули яратилди ва тўлиқ ишга туширилди. Бу эса ишларни судьялар ўртасида инсон омилсиз адолатлилик ва ҳолислик тамойиллари асосида тенг тақсимлаш имконини беради. Ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш суд раисларининг ваколатидан бутунлай чиқариб ташланди. Масалан, ҳозирга қадар судьялар ўртасида 924 824 та иш автоматик тарзда тақсимланган.

**Олий суд пленумлари ва раёсат йиғилишлари, соҳага доир ўқув-семинар машғулотлар ҳамда суд мажлисларини видеоқонференцалока режимидан фойдаланган**

Судларда кадрлар фаолияти соҳасига “E-KADR” ахборот тизими ишга тушди. Мазкур дастурий таъминот судларда фаолият юритаётган судья ва суд ходимларининг шахсига доир маълумотлар ҳамда ҳужжатларнинг ҳисобини фақат электрон шаклда юритиш, шунингдек, кадрларга оид статистик ҳисобот маълумотларини марказлаштирилган ҳолда шакллантиришга ёрдам беради.

Олий суднинг суд статистикаси (stat.sud.uz) сайти орқали суд фаолиятига доир статистик маълумотларни онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти яратилган.

Иқтисодий, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар қарорларини Олий суднинг расмий веб-сайтида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низошлар тасдиқланди. Мазкур низошлар талаби асосида дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, Олий суднинг Интерактив хизматлар портали (my.sud.uz)га жойлаштирилган. Иқтисодий судларда ишларнинг электрон кўринишда шакллантирилиши натижасида 13740 та иқтисодий иш қозғашқлидан воз кечилган ҳолда қўрилди.

Мазкур портал орқали фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаатларни электрон шаклда юбориш, мурожаат учун туланидиган давлат божи ва электрон ҳисобини имкони мавжуд. Шунингдек, барча судларда

қўрилатган ишларнинг онлайн рўйхати, интернет тармоғи орқали қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини, давло аризалар намуналарини кўриш мумкин.

Порталда судларда давлат божи ва бошқа тўловларни тулашининг ягона электрон тизими жорий этилган. Бу эса судга мурожаат қилганлик учун тўловлар, суд қарорига асосан ундирилиши белгиланган тўловларни амалга оширишда қулайлик туғдирди.

— Электрон шаклдаги тўловларнинг махсус қвитанцияси ҳолатини қандай текшириб кўриш мумкин?

— Тўловлар электрон шакллантирилган махсус тўлов қвитанциялари асосида амалга оширилади. Бунинг учун Интерактив хизматлар портали (my.sud.uz)даги “электрон тўлов тизими” бўлимига ўтилади ва “янги қвитанция яратиш” тугмаси танланади. Шундан сўнг тегишли маълумотлар тўлдирилади ва “тўловга буюртма бериш” тугмаси орқали тўлов қвитанцияси автоматик равишда шакллантирилади. Бу қвитанция PDF форматда юклаб олинади ҳамда чоп этилади. Шу ернинг ўзига амалга оширилган тўлов ҳолатини ҳам текшириб олиш мумкин.

**Судларга тўловларни “электрон тўлов тизими”да шакллантирилган тўлов қвитанциясида кўрсатилган махсус код ёки рақамларни қиритиш орқали “CLICK” ва “Payme” тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ҳам амалга ошириш мумкин.**

Мазкур тизим фуқаролар ҳамда тадбиркорлар судга мурожаат қилишда амалга ошириши лозим бўлган тўловлар теzkорлиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, шу пайтгача электрон тўлов тизими орқали 2,03 миллиард сўмлик 683 та тўлов амалга оширилди.

Таъкидлаш лозимки, қўриқорда айтиб ўтилган чора-тадбирлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, ошқоралигини ҳамда шаффофлигини амалда таъминлаш, фуқароларнинг Конституциямида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Гулсум ШОДИЕВА суҳбатлашди.

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ — САМАРАЛИ, ФОЙДАЛИ ВА ТЕЖАМКОР УСУЛ

Халқаро сув ресурслари институти (IWMI) маълумотига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистон сув танқислиги юқори бўлган 33 мамлакат қаторидан ўрин эгаллайди

Сайёра ШОЕВА, журналист

Мазкур масала ўткир муаммога айланиб бораётган бир шароитда сувнинг меъёрдан кўп сарфланишига, истеъмолига лойиқдара муносабатда бўлишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, республикадаги суғориш тармоқларининг 70 фоизи антифилтрацион қопламага эга эмаслиги, оқибатда етказиб бериш босқичида сувнинг бир қисми исроф бўлаётгани, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашдаги йўқотишлар 40 фоизни ташкил этаётгани ачинарлидир.



Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатор чоралар кўришмоқда, экинларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилмоқда. Тахлилларга кўра, 11 минг 200 гектар пахта майдонида бундай технологиялар қўлланиши натижасида 40,2 миллион метр куб сув тежалган. Бу эса қўшимча равишда 6 минг гектарда тақрорий экинлар экиш имконини беради.

Албатта, бу жараёнда фермерларнинг алоҳида ҳиссаси мавжуд. Хусусан, 33 минг 200 гектар майдонда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияси ўрнатилди. Аммо дарёдан томчи сифатида келтирилган бу рақамларни бир неча баробар кўпайтириш лозим.

Бу тизимнинг фойдали жиҳатлари, давлат ажратадиган субсидия ҳақида кўп бора айтилса-да, негадир мулкдорларимиз бунга у қадар қизиқиш билдирмаётганига эътибор қаратдик.

— Фаолиятим мисолида айтадиган бўлсам, томчилатиб суғориш технологияларининг тури жуда кўп ва нархлари ҳам турлича, — дейди Урта Чирчиқ туманидаги “National agro products” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамид Ғоибов. — Узоқ танлашга тўғри келмоқда. Уларнинг баҳоси ҳам анча банд. Тўғриси, берилаётган маблағ нисбатан камроқ, фермер кўлида етарлича пули бўлмаса, бу ишга тавakkal қилмайди. Узим ҳам минг бора ақл тарозисида ўлчаб, ҳисоб-китоблар асосида ўтган йили 48 гектарда томчилатиб суғоришни йўлга қўйдим. Бунинг учун 35 метр ер қазиб, қувур ётқиздик, мотор орқали сув олишни йўлга қўйдик. 120 куб сувни сақлайдиган захира қудуқ ҳам қурдик. Насослар Испания, қувурлар Туркия, Италия каби давлатларда ишлаб чиқарилади. Европа технологиясини танлашда уларнинг тежамкорлигини инобатга олдик.

Албатта, бунинг ўзига яраша қийинчилиги бўлди. Аммо мақсади мўл ҳисоб қилинган, иқтисодий самарадорликка эришиш бўлгани учун жамоа харақатдан тўхтамади. Натижада ёқилги, минерал ўғитлар сарфи борасида олдинги йиллардагидан кўра, уртача 30 фоиз тежамкорликка эришилди. Бу хали биринчи йилдаги кўрсаткич. Йилдан-йилга ундан янада унумли фойдаланиш имконияти кенгайиб бораверади.

280 гектар ерга эгалик қилаётган мулкдор айти шундай ерга 90 гектарда томчилатиб суғориш технологиясини фойдаланиш ҳаракатида. Бунинг учун хорижий компаниялар билан шартнома асосида ишларни бошлаб юборган.

Демак, фойда сезилганки, майдонларни кенгайтиришга киришилди. Шу аснода мулкдор ўтган йилда айрим хатоларни бошдан ўтказган инсон сифатида ёш фермерларга бундай пайтда қандай йўл тутиш борасида тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

— Энг аввало, ер таркибини, яъни ҳолатини ўрганиш керак, — дейди Ҳамид ака. — Шунга қараб, сув таркибига керакли мулкдорда ўғитлар қўйилади. Агарда меъёрни бузиб қўйса, ҳосилга салбий таъсир қилади. Экинни томчилатиб суғориш билан ариқдан сув бериш буткул бошқа-бошқа жараён эканини доимо ёдда сақлаш керак. Суғориш дегаданда, ерининг барча қисми нам бўлиб туришига ўрганиб қолганми. Томчилатиб суғорганда сув фақат экиннинг илдизига юборилгани учун майдон кўрүк бўлиб, доим чанқаб турганга

ўхшайди. Ана шу жойда бироз тушунмовчиликлар юз берди, биз уни кейин англаб етдик. Майда кўринган бу ишларни эътиборга олган мулк эгаси агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарса, қўтилган натижани олади.

Фермернинг таъкидлашича, томчилатиб суғоришнинг афзалликлари жуда кўп.

— Аввало, сув кўп миқдорда тежалди, — дейди у. — Чунки ўсимликнинг фақат илдиз қисми хўлланади, буғланиб, четга оқиб кетиб исроф бўладиган сув миқдори анча қисқаради. Иккинчидан, электр қуввати, меҳнат сарфи, ёнилғи-мойлаш ва бошқа материаллар кўп миқдорда сарфланишининг олди олинади. Кўп жойларда сув каналлардан насослар ёрдамида узатилади. Томчилатиб суғоришда сув кам талаб этилади, бинобарин, насосларнинг иши камаяди, унинг ишлаши учун камроқ электр қуввати ёки энергиянинг бошқа турлари сарфланади.

Шунингдек, минерал ўғитлар тежалди. Оддий суғоришда 1 гектар ғуза майдонида 850 килограмм азотли ўғит, 150 килограмм фосфор, 100 килограмм калий ишлатилади. Томчилатиб суғоришда 1 гектар ерга 250 килограмм азотли ўғит, 150 килограмм фосфор, 50 килограмм калий сарфланади. Энг муҳими, маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлади, эрта пишади. Намнинг ўсимликлар илдиз тизимига аниқ тушиши ва ўғитлар ўзлаштирилиши натижасида ернинг шўрланиши камаяди. Чунки томчилатиб суғоришда дренаж қурилиши талаб қилинмайди, ер ости сувлари ва тузлар юқорига кўтарилимайди, тузроқ тузилмаси сақланиб қолади.

Томчилатиб суғоришнинг яна бир афзаллиги — сув ўсимликнинг илдиз тизимига етказиб берилаётгани сабабли бегона ўтлар дярли бўлмайди.

Қайд этиш керакки, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимизда энг қадри неъматга айланган сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга хизмат қилади. Буни рақамлар мисолида янада яққол кўриш мумкин. Минерал ўғитлар самарадорлиги 30 фоизгача, ёқилги 40 фоиз иқтисод қилинади. Сув бир гектарга 40-50 фоизгача тежалди ва ҳосилдорлик 5-10 центнер ортади.

Жорий йилда барча турдаги сув тежовчи технологиялардан фойдаланувчиларни кўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йил 25 октябрда Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизми-ларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратилган субсидия миқдори қишлоқ хўжалигини экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет бадиан келиб чиқиб ҳисобланади. Томчилатиб суғориш тизимини жорий этганлик учун гектарига 8 миллион сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 миллион сўм, дискретли (пульсар) суғориш учун 1 миллион сўм давлат субсидияси берилади.

Хуллас, томчилатиб суғоришнинг афзалликлари кўп. Эндиги вазифа уни ҳаётга кенг жорий этишдир. Сув муаммоси йилдан-йилга кучайиб бораётган ҳозирги даврда бу биз учун энг муҳим иш ҳисобланади.

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ

### Қишлоқ хўжалиги кооперацияси:

# КАМБАҒ АЛЛАНКИ КАМАЙТИРИШДА ИЛК ҚАДАМ

Захириддин ТўРАЕВ, журналист

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги “Илгор” маҳалласи ҳудудидagi фойдаланилмай, қаровсиз ётган 91,4 гектар ер майдони ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолияти йўлга қўйилди.

Бунинг учун “Grand green gluster tomorqa xizmati” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, дастлаб ер майдони жамият тасарруфига берилди. Ун беш гектар тайёр майдон “Сурхон Ангор фрутс қишлоқ хўжалиги” ишлаб чиқариш кооперативига ўтказилди. Ун гектар бўз ер аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан “Илгор” ва “Баҳор” маҳаллаларида истиқомат қиладиган кам таъминланган ва ишсиз фуқароларга 20 сотихдан бириктирилди. Уларга мазкур майдонда маҳсулот етиштириб, даромад олиш ҳуқуқини берадиган сертификат топширилди.

Президентимиз ўтган йили 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташириш чоғида ҳудудда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ замонавий лойиҳалар билан ҳам танишиб, хорижнинг илгор тажрибаларини кўлаган ҳолда ерлардан самарали фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича тегишли топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, бир гуруҳ мутахассислар Хитой Халқ Республикасида бўлиб, экин майдонларидан оқилона фойдаланиш тажрибаларини ўрганиб қайтди. Шунга асосан, мазкур ер

майдони танланиб, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йирик ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Қаровсиз ётган майдон зироат экиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Ерлар шудгорланиб, текисланди. Урта энергия тежамкор насос ўрнатилди. 1 минг 200 метр масофага сув лотоклари ётқизибли, обиҳаёт келтирилди.

Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативига фуқаролар ўз акциялари билан таъсисчи бўлди. Деҳқончилик билан шугулланишга бел боғлаган аҳолининг ҳар бири кооперативга қиритиши лозим бўлган улуш — 2 миллион 230 минг сўм пулни ҳам Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-қувватлаш жамғармаси тўлаб берди.

— Бу ерда олтимиш нафардан ортиқ кам таъминланган ва ишсиз фуқаро ишли бўлди, — дейди “Илгор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Й.Қўлиев. — Баҳорнинг илк кунларидан улар ўзларига ажратилган экин майдонларида қарам, дайкон, қизил лавлага, помидор каби маҳсулотлар етиштириш истагини билдирди. Шу экинларни парваришлаб, мўл ҳосил олиш бўйича маҳалладошларимизда катта тажриба бор. Масалан, бир гектар ердан саксон тоннага қин тарвуз, олтимиш тоннагача қарам, эллик тонна атрофида дайкон олиш мумкин. Шу кунларда дайконнинг бир килоси ун минг сўм атрофида сотилмоқда. Йигирма сотих майдондан ўртача ун тонна дайкон йиғиб олган деҳқоннинг даромадини чўглаб кўраверинг. Ҳадемай, қарамга харидор келади. Тарвуз ва дайконлар ҳам май ойида йиғиб олинади. Демак, бу ерда яна мош, ловия, кечки помидор сингари маҳсулотлар етиштириб, қўшимча даромад олиш мумкин. Энг муҳими, улар харидор ҳам излаб юрмайди. Томорқа хизматининг ўзи бозор нархида сотиб олиб, экспорт қилади.

Қарор ва ижро

Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги “Нодавлат нотариал фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар фаолиятини ташкил этиш тартибини тўғрисида низомга мувофиқ, нотариал соҳада қатор ўзгартришлар амалга оширилди. Хусусан, хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар эндиликда юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин.

— Мамлакатимизда 2010 йилгача хусусий нотариуслар тузишга рухсат берилган, уларнинг фаолиятида қонунбузарликлар кўп кузатилгани боис, мазкур жараён тўхтатилиб, фақат давлат нотариал идоралари ташкил этилиши белгиланган эди, — дейди Адлия вазирлиги Ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси бўлим бошлиғи Маъсум Хотамов. — Жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2020 йил 1 январдан хусусий нотариусларни тузишга қайта рухсат этилди. Мазкур жараёнда талабгор аввал тегишли идоралар томонидан имтиҳондан ўтгандан сўнгра, юридик шахс сифатида фаолиятини бошлаш эди. Янги қабул қилинган қарор эса ана шундай ортқича овозгарчилик, жараёнда юзага келадиган бюрократия ва коррупция ҳолатларига чек қўяди.

## ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ ТАЛАБЛАРИ

Қарорга кўра, хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши, банкда ҳисобварақа очиб, ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш, иш фаолиятини ташкил этиш учун мутахассислар ва юридик шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар имзолаш ҳуқуқига эга. Аммо бу исталган киши нотариуслик фаолиятини бошлашга олдидан имтиҳондан ўтган бўлиши керак бўлади. Лицензия олиш талаб этилади. Лицензия олиш учун талабгор

25 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта бўлмагани, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича 3 йиллик стажга эга бўлиши (шу жумладан, нотариал идораларда камида 1 йил стажировка ўтган бўлиши) ҳамда малака имтиҳонини топиши лозим. Талабгорлар лицензия олиш учун давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтади. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси 15 иш кунига бўлган муддатда сўровномада кўрсатилган маълумотларни ўрганиб чиқади. Натижалар асосида талабгорнинг малака имтиҳонидан иштирок этиши ёки иштирок этишини рад этиш тўғрисида ҳулоса тузилади ва тасдиқланади.



## ИМТИҲОН ЖАРАЁНИДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Малака имтиҳони талабгорнинг имтиҳондан иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилди, ҳулоса тасдиқланган кундан бошлаб 5 кундан сўнгра, 15 кундан кечиктирилмай ўтказилади. Жами олиниши керак бўлган балнинг 55 фоизидан юқори балл тулпаган талабгор имтиҳонни муваффақиятли топишига ҳисобланади.

— Шаффофликни таъминлаш мақсадида малака имтиҳони Адлия вазирлигининг расмий веб-сайти ва Фейсбук ижтимоий тармоғи орқали бутун республикага онлайн трансляция қилинади, — деди Маъсум Хотамов. — Талабгорлар 3 та фан — давлат ва жамият қурилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар, фуқаролик ҳуқуқи, нотариат соҳаси бўйича имтиҳон топиради. Имтиҳонни муваффақиятли топишига талабгор буйича қарордан кўчирма тегишли адлия органига лицензия расмийлаштириш учун юборилади. Имтиҳон топишига олмаганларга эса 6 ойгача навбатдаги имтиҳонларда қатнашишга рухсат этилмайди. Чунки соҳани ақшироқ ўрганиш учун камида олти ойлик муддат зарур. Демак, бу улар учун қайта тайёргарлик даври, десак бўлади.

Жисмоний шахс лицензия олгандан сўнгра рўйхатдан ўтказиш учун адлия органига хабарнома беради. Адлия органи хабарнома келиб тушганининг эртасидан кечиктирмай, уни рўйхатга олади ва бу ҳақда Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасини хабардор қилади. Шундай хабарнома олинган кундан эътиборан, хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нотариал палатанинг аъзоси бўлади ва нотариус мақомини олади.

Нотариал ҳаракатлар “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. 2017 йилдан ишга туширилган мазкур тизим фуқароларнинг нотариус қабулига навбатга ёзилиши, тўловларни амалга ошириши ҳамда нотариуслар ҳақида тегишли маълумотга эга бўлиши, бир сўз билан айтганда, барча нотариал ҳаракатлар электрон равишда амалга оширилишини таъминлаш орқали коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Айтиши кераки, 2019 йил 1 январдан нотариал идораларда қоғоз шаклидаги барча жараёнлардан воз кечилиб, тўлиқ электрон тизимга ўтилди.

## ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ДАВЛАТ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

— Хусусий амалиёт билан шугулланувчи жисмоний шахснинг лицензия олиш талаби ва қондалари, касб одобига риоя этиши ҳамда нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолатлари юзасидан 3 турдаги давлат назорати ўрнатилди, — деди Маъсум Хотамов. — Биринчиси, камерал, яъни масофавий назорат бўлиб, бунда ҳар уч ойда бир марта махсус тизим ёрдамида масофавий текширув ўтказилади. Иккинчидан, зарурат туғилганда ёки белгиланган тартибда фуқаро мурожаати билан бирор ҳолат юзасидан жойларда “рейд” ёки “сирли мижоз” деб номланувчи қисқа муддатли текширув ўтказилади. Учинчиси, режали назорат бўлиб, бу аксарият корхона-ташкилотлар, давлат идораларида ҳар уч йилда бир мартаба ўтказиладиган тизимли текширув ҳисобланади ва у нотариат

соҳасини тўлиқ қамраб олади. Текширувларда фаолиятда қониксариз деб топилган ёки фаолиятда жиддий камчиликлар аниқланган шахсларга тегишли органлар томонидан лицензиясининг амал қилиш муддатини 6 ойгача вақтинча тўхтатиш ёки тугатиш чоралари қўрилади.

Шунингдек, қарор билан тасдиқланган Нотариал округдаги нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, нотариал округда хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар сонини чекланмаган миқдорда бўлиши мумкинлиги, ҳудудларда бирорта ҳам нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда ҳудудий адлия органларининг тақдирда қўрилади, Адлия вазирлиги томонидан ўша ҳудудда давлат нотариал идораси ташкил этилиши белгиланди.

## Истеъмолчи ҳуқуқи

# УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ШАРТНОМА ШАРТИ ҚАНДАЙ?

Халқимиз орзу-ҳавас билан яшайди: иморат қуради, фарзандларига тўй қилади, яқинларининг яхши-ёмон кунларида ёнида туради. Бутун умр “Ватан ичра кичик ватаним бўлсин, бола-чақамга яхши турмуш шароитини яратай”, деб интилади. Лекин не-не орзу-ниятда йиққан-терганини бериб, кредит ёки бўлиб тўлаш шартини билан уй олса-ю, унинг сифати қониктирмаса, айрилган вақтида топирилмаса, дили хира бўлади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида хусусий секторга кенг йўл ва имкониятлар очилмоқда. Янги ипотека кредити тизими орқали энди аҳоли хусусий тadbиркорлар қурган уйлари бўлиб тўлаш, кредит ёки нақд пулга харид қилиши мумкин. Беш қўл баробар бўлмаганидек, хусусий тadbиркорлар орасида буюртмачининг талабларини бажармайдиган, ишончини суистеъмол қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Айрим ҳолларда ҳуқуқий маданиятининг юқори эмаслиги оқибатида фуқароларнинг ўзи шундай қонунбузарликка сабабчи бўлади.

Маълумотларга кўра, ўтган йил давомида Қурилиш вазирлигининг ҳудудларда жойлашган ташкилотларига ҳамда маҳаллий ҳокимликларга фуқаро (истеъмолчи)лардан янги қуриб топширилаётган кўп квартиралар уй-жойлар бўйича бир қанча шикоят аризалари келиб тушган. Уларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилмагани, шартнома шартлари тўлиқ бажарилмагани, коммуникация тармоқлари тортилмагани ёки уланмагани, кўп қаватли уйлар тўловидеги хатоликлар, қурилиш сифати ва бошқа масалалар ўрин олган.

Ҳўш, ҳуқуқлари бузилган истеъмолчи кимга, қайси ташкилотга мурожаат қилиши керак? Унинг манфаати қайси қонун ёки қарорлар орқали ҳимоя қилинади?

Бу саволларга Монополияга қарши курашиш

## ТЎҚСОН ФОИЗИДА БУЮРТМАЧИ МАНФААТИ ЙЎҚ!

Таҳлил натижаларига кўра, кўп ҳолларда тadbиркорлар билан тузилган шартномаларда уй-жой сотиб олувчиларнинг ҳуқуқлари таъминланмагани (назарда тутилмагани) маълум бўлди. Аксарият шартномаларда қурилишни тугаллашнинг аниқ муддати, уйнинг сифатига кафолат умуман қайд этилмаган.

Энг қизиғи, хонадонларга ўрнатилган совуқ ва иссиқ сув, электр энергияси ҳамда табиий газ ҳажмини ҳисоблаш ускуналари белгиланган талабларга мос бўлиши, технологик ва муҳандислик қурilmаларига кафолат муддати, инвестор квартирани қабул қилиб олгандан сўнгра кафолат муддатига қадар аниқланган камчиликларни бартараф этиши назарда тутилиши кечиктирилган бўлмайди.

Айрим тadbиркорлар жавобгарлиқни зиммасига олишни истамайди. Мижозига катта ваъдалар бериб, шартномани имзолаб олади. Объектни вақтида топширилмаса, турли баҳоналар тўқиб, ўзини олиб қочиб юради. Пулни тўлаб қўйган буюртмачининг қурувчи гапларига ишониб, қуттишдан бошқа иложи қолмайди. Ҳақ-ҳуқуқини талаб қилай деса, тadbиркор билан тузилган шартномада бундай банд умуман йўқ. Текширув жараёнида 122 та ҳолатда қурилишни тугаллаш муддати кечиктирилган тақдирда (форс-мажор ҳолатдан ташқари) жавобгарлик бўйича мажбуриятлар назарда тутилмагани маълум бўлди.

Истеъмолчи ҳуқуқларининг таъминланганлик даражаси таҳлил қилинганда, уйни қуришга рухсат бериш ва қурилиш билан боғлиқ ҳужжатлар билан танишиш, айрим ҳолларда квартирани қабул қилиб олишдан сўнгра кафолат муддатига қадар аниқланган камчиликларни бартараф этиши талаб қилиш каби ҳуқуқлар шартномаларда келтирилмаган.

Юқоридеги каби шартномалар тузилишининг олдини олиш, уларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига зид шартлар (ҳолатлар) киритилишига йўл қўймастик, шунингдек, кўп квартиралар уйлари қуриш билан шугулланувчи тadbиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар тақдир этилади.



қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, қурилиш ва транспорт соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ҳамдам Ганжаев қуйидагича жавоб берди:

— Президентимизнинг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармони асосан, агентлигимизга истеъмолчилар ҳуқуқларини бузилиши сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан

тақдирлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш вазифаси юклатилган.

Топириқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий бошқармаларимиз билан бирга кўп квартиралар уйлари қуриш билан шугулланувчи субъектлар билан ўзаро муносабатларда уй-жой сотиб олувчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинганлик даражасини ўргандик. Жумладан, кўп квартиралар уй-жой қурилиши билан шугулланувчи 206 та субъект томонидан 2019 йили фуқаролар билан тузилган 13902 та шартнома таҳлил қилинди.

## ИМТИЁЗ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан, истеъмолчи товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товар (иш, хизмат)нинг эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли, хавфсиз бўлишини билиш ҳуқуқига эга.


Агар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсон бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг айриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўғрисида моддий зиён етказилса, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмида қопламини, бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя

қилинишини сўраб судга ва бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат эта олади.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлар учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

## КАФОЛАТ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНИШИ ШАРТ

Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат) лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.



Шунингдек, қонуннинг 11-моддасида ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафилик мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга асосан, узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар(хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланганини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши лозимлигини ҳар бир истеъмолчи билиб қўйиши керак.

## НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ЗАРУР



Масалани ўрганиш жараёнида муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қилинадиган ишлар мавжудлиги маълум бўлди. Агентлик томонидан Адлия ҳамда Қурилиш вазирликлари билан ҳамкорликда бажариладиган бир нечта вазифалар илгари сурилмоқда.

Аввало, томонларнинг мажбурият ва ҳуқуқларини қатъий белгилашни назарда тутувчи намунавий шартнома ишлаб чиқиш ҳамда уни кўп квартиралар уйлари қуриш билан шугулланувчи тadbиркорлик субъектлари томонидан очик манбаларда (оферта шаклида) жойлаштириш тартибини жорий қилиш керак.

Қурилишга рухсат берилишида намунавий шаклдаги шартномада қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни инобатга олган ҳолда шартнома тузилишини таъминлаш мажбуриятини назарда тутиш тўғрисида амалдаги қонунчиликка қўшимча ва ўзгартришлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп квартиралар уйни истеъмолчига топшириш вақтида эса унинг техник назоратдан ўтказилганини тасдиқловчи соҳага оид муайян малака сертификатига эга мутахассиснинг ҳулосасини тақдим этиш амалиёти жорий қилиниши аҳолининг ишончини ортттиради.

Нодавлат МТТ

# БОҒЧА ОЧАДИГАН ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларни мактабгача таълим билан кенгроқ қамраб олишни таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир.**

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг шу йил 30 январда чиққан “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хусусий бизнес эгалари учун яна бир имконият яратди. Негаки, унда давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама енгиллик белгиланган.

**ДАВЛАТ ТАДБИРКОРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?**

Ҳар бир лойиҳа эгаси, боғча очиш ниятида юрганлар ҳам тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан олдин имтиёз ва енгиллик кидиради. Тадбиркор, аввало, нодавлат мактабгача таълим муассасалари шаклларидаги фарқни ажратиб олиши лозим. Оилавий боғчанинг давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилганидан муассасадан фарқи уй шароитида ташкил этилганидир.

Ийрик нодавлат МТТ очиш учун, биринчи гада, тадбиркорга болалар боғчасининг лойиҳаси зарур. Номзод лойиҳа суммасининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда соф активларга эга бўлиши ёки худди шунча суммага учинчи шахснинг кафолатини тақдим этиши лозим. Бу билан у ўзининг молиявий жиҳатдан лаёқатли эканини тасдиқлайди.

Агар тадбиркор давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат МТТ очишни истаса, қўйидагиларни эътиборга олиши керак. — дейди Мактабгача таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбасари Фарух Аминов. — Аввало, нодавлат МТТ биноларини қуриш ва доимий фойдаланиш учун ер участкалари текин тақдим этилади. Бу энг асосий имтиёзлардан биридир. Лекин тадбиркорнинг ўз ер майдони ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар фаолияти учун давлат ўз тасарруфидagi бўш турган объектларни, шу жумладан, ишламайдиган давлат боғчаларининг биноларини “ноль” ҳарид қийматида реализация қилиш, ишлаб турганларидаги бўш ер участкаларини ажратиш ҳамда мавжуд давлат боғчаларини қайта қуриш ва жиҳозлаш ҳамда кейинчалик оталиққа олиш шарти билан тақдим этиш каби вазифаларни ҳам зиммасига олади.

Оилавий боғча очган тадбиркор учун енгилликларга келсак, давлат коммунал тўловларининг 50 фоизини тўлаб бериш билан бирга, қарорда белгиланган тартибга кўра, ҳар бир бола учун 100 минг сўмгача субсидия ҳам ажратиши мумкин.



**ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК?**

Оилавий боғча фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан соддароқ жараёнларни ўз ичига олса, ийрик турдаги давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этишнинг ўзига хос тартиби бор. Хусусан, талабор Мактабгача таълим вазирлигига ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, бинога бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда), ариза тақдим этиладиган қундан узоғи билан



бир ой олдин солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича қардорлик ҳамда молиявий санкциялар йўқлиги тўғрисида маълумотларни илова қилган

ҳолда ариза билан муружаат этади. Бундан ташқари, ташкил этиш режалаштирилган нодавлат мактабгача таълим муассасаси биносининг белгиланган тартибда тасдиқланган ва келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари, ҳудуддаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария-эпидемиология назорати органларининг мактабгача таълим муассасасини қуриш бўйича ҳулосалари, муассаса биносини қуриш учун дастлабки техник-иқтисодий курсаткичлар кабиялар ҳам талаб этилади.

**КРЕДИТ АЖРАТИШДА ЕНГИЛЛИКЛАР БОР**

Қарорда келтирилишича, ийрик нодавлат таълим муассасаси очиш учун кредит ташкилот жойлашган ҳудудга қараб, 15 йил муддатга берилади. Агар тадбиркор чекка ҳудудга боғча очмоқчи бўлса, унга кредит паст фоизда ажратилади. Вилоят марказларида иш бошламоқчи бўлганларга 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоиз ставкада, туман марказларидаги муассаса учун 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 8 фоиз ставкада, туманларнинг бошқа ҳудудлари тадбиркорларига

эса 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада кредит берилади. — Жорий йилнинг 30 январига қадар давлат-хусусий шериклик битими имзоланган тадбиркорлар 15 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан 1 фоиз устама тўлов эвазига имтиёзли кредитлар билан таъминланди, — деди Ф.Аминов. — Бундан ташқари, оилавий боғчаларни жиҳоз ва мебеллар билан таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар кўмаклашиши белгиланган, вазирликнинг ҳудудий бошқарма

ҳамда бўлимлари томонидан эса мунтазам методик ёрдамлар кўрсатиб борилади. Айтиш керакки, ҳудудларда мавжуд давлат-хусусий шериклик ташкилотларининг қуввати ва қамрови тизимли равишда ўрғинлаштирилди. Аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда янги ва фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг қўшимча ўринларга бўлган эҳтиёжи аниқланиб, уларга ҳам ҳар томонлама кўмак берилди.

Қадрият

Дилором МУРОТОВА,  
санъатшунос

Бош кийимимиз — дўппи эраклар ва аёллар миллий либосини тўлдириб, унга кўрк бериб туради. Ўзбек дўппилари ижодкор халқимизнинг қанчадан-қанча сирли нақшлари, суратлари тарихини ўзида мужассам этган санъат маҳсулидир. Уларнинг қай бирини қўлингизга олманг, халқимиз яратган санъат асарининг бир бутун бўлагини тутгандек бўласиз. Кўринишидан кичиккина дўппиларда гўё олам, коинот ўз аксини топган. Камалакнинг сирли жилоси, мукамал нақшлар, суратлар чуқур рамзий маъноларни сўзлаб турувчи дўппиларда халқимиз руҳининг гўзал бир бўлаги, нафосати, ғурури яшайди.

# Қайга бормай, бошда дўппим...

**Миниатураларда ҳам акс этган...**

Эрамиздан минг йиллар аввал Ахмонийлар даврида Ўрта Осиёда сақатиграҳуда деган қабилга яшагани ва унинг номи “тепаси чўқ-қайган бош кийим кийган сақлар” маъносини билдирганига оид тарихий маълумотлар бор. Демак, дўппи жуда қадимий бўлиб, бундай шаклга яқин бош кийим турлари яқингача сақланиб қолган. Бу далиллар тасдиғини археологик ёдгорликлар, деворий ёзувлар, терракота ҳайкалчалар, XV-XVI асрларга оид Шарқ миниатураларида кўришимиз мумкин. Панжикент тасвирий санъатида ҳам бир неча бош кийим тасвири сақланиб қолган. Мовароуннахр (XV-XVII асрлар) миниатураларида аёлларнинг турли-туман бош кийимлари учрайди.

**Нафис чокли “сетора”**

Андижонда қизларга мўлжалланган “оқлар” дўппиларининг фони, асосан, оқ рангда, кашта нусхасининг “чорғул” композицияси қўлланилиб, тепа қисми зигзаг, орқали тўрт таржа ажратилиб тайёрланади. Эраклар дўпписининг тепа қисмига солинган тўрт дона бодом тасвири кичикроқ ҳажмда, кизакларида жойлашган ярим ой шакллари билан баландлиги бир хил бўлмай, чоклар ичига тўшама қўйилмасдан, тўлиқ табиий тўлдириб тикилиши билан фарқланади. Андижон дўппиларининг “сетора” ва “инжиқ” нусхалари чокларнинг ўта майда ва нафислиги билан харақтерланиб, бошқа дўппидўзлик мактаблариникидан фарқланади. Ҳозиргача сақланиб, янада сайқалланиб келаётган “андижон”, “сетора”, “инжиқ”, “қалин”, “шаҳрихон”, “пахтаобод” каби нусхаларини ҳам халқ севиб киймоқда.

**“Зардўзи — гулдўзи” ва “заминдўзи”**

Бухорода хотин-қизларга мўлжалланган дўппи, асосан, каштадўзликнинг “зардўзи-гулдўзи”, “зардўзи-заминдўзи” усулида тайёрланган. Асосига пахта толасидан тайёрланган оқ бўз, сариқ сатин каби матолар ҳамда турли рангдаги баҳамл ишлатилган.

Бухорода қадимдан эраклар дўпписи — кулоҳ кенг истеъмолда бўлган. Тўрт томонли, баланд, гумбаз шаклида, кашта фони, асосан, оқ ипак билан, баъзан тепа ва кизагига араб ёзувлари тикилиб безатилган. Бундай бош кийимлар қўлқаштанинг “тағдўзи” усулида, “ироқи” чокида ипак иллар билан тикиб тайёрланган.

**“Йўрма” жияклар ва ипак попуқлар**

Қашқадарёда “ироқи” дўппилардан ташқари, “пилтадўзи” ёки “тўлдирма” дўппилар ҳам кенг истеъмолда бўлган. Дўппиларни тайёрлашда “пилтадўзи” усули қўлланилиб, пилталарга асосан қоғоз ишлатилган. Дўппи пилталари бўйлаб қўлқашта чокининг “текис” ва “илмоқ” усулларида ранг-баранг ипак ва пахта иллар билан тикилган. Дўппиларнинг кўриниши думалоқ, тепаси конуссимон, ясси бўлиб, кизагининг четига “йўрма” усулида тайёрланган махсус жияклар қадалган. Дўппи жиягининг бирлашган жойига рангли ипақдан тайёрланган попуқ қадаб безатилган.

**Қорақалпоқ “тоқима тақя”си**

Қорақалпоқ дўппилари, асосан, гумбазсимон шаклда бўлиб, тепа қисми тўрт бўлакли, майда қавиқлар орқали бирлаштирилиб тайёрланади. Кизагига рақий тикилиб, ипак иллардан тайёрланган попуқ қадаб безатилади. Попуқлар эраклар дўпписига бир дона, қизлар дўпписига бир неча дона қадалади. Усмир йигит-қизлар қўпинча кўк, яшил рангли духобадан тайёрланган дўппиларни кийса, чоллар, ёш болалар қорақалпоқ миллий каштасининг майда, ўзига хос нозик нақшлар композициясини ташкил этувчи ҳамда канвасиз рангли, ярим ироқи кашта усулида тайёрланган дўппиларни яхши кўриб қияди.



Қорақалпоқ дўппилари маҳаллий дастгоҳларда тўқилган ҳамда фабрика матоларидан тайёрланади. Бундай дўппилар “тоқима тақя” ёки духобадан тайёрлангани “мақпал тақя” дейилади. Ромбсимон ҳамда “кўчқоршохи” деб аталувчи кашта нақшлари тикилган дўппилар эса “қозба тақя” деб аталади.


**Кўк духоба, гунафша духоба...**

**Машҳур Чуст дўппилари**

Наманганда XIX асрнинг бошларига келиб, асосан, Чуст дўппилари удум бўлди. Бундай дўппиларнинг шакли тўртбурчак, тепаси тўрт томонли, учбурчаксимон қатланадиган, ясси, техникаси “пилтадўзи”, қоғоз билан пилталанган. Кашта, асосан, оқ ипак билан тикилиб, гулгунчалари “куз”ларига гулоби, сариқ, тўқ қизил, тўқ яшил, сиёҳ ранглар танланади. Чуст дўппилари тўрт каржи бўлиб, карж чизиклари бўртиб туради. Аврасига қора, тўқ кўк ҳамда мошранг сатин (пас) матолар ишлатилади. Тепа қисмининг ҳар бир каржига бир дона қалампир нусхаси тикилади. Чуст дўппиларини қўшни Тожикистон, Қозғистон, Туркманистонда ҳам севиб кийишади.

**“Пилтадўзи” ва “кандахаёл”**

Самарқандда тўрт томонли, тепаси баланд, гумбазсимон, кизаги кенг, кизагининг четига энли тўқ рангли матодан жияқ қадалган дўппиларни эраклар кийган. Бу каби дўппилар қора сатин, ипак матога тепа ва кизагига қўпинча қўлқашта чокининг “кўптирма” усулида кашта тикиб тайёрланган. Уругт дўппилари ҳар даврда ўзига хос нафислиги, мукамаллиги билан аҳамият касб этади. Кўриниши думалоқ, кизаги баланд бундай дўппилар “пилтадўзи” техникасида қора сатиндан тайёрланиб, “канда хаёл”, “йўрма” қўл чокида рангли ипак ёки пахта иллар билан кашта тикилади. Кизагига попуқ қадалади. Ёш болаларга мўлжалланган худди шундай дўппиларнинг гуллари орасига ялтироқ металл баргақлар ва мунчоқлар қўшиб безатилади.



**Феруза, марварид, ақиқ тошлилар**

Хоразмда дўппиларни “тақя”, “тоқи”, “тей-ха” деб атайдилар. Хоразм услубидаги дўппиларнинг тепаси ясси бўлиб, духоба, шойи ва зарбоф матолардан тайёрланади. Хоразм дўппиларининг “зартақя”, “қозма тақя”, “папки тақя” (попуқли), “монатли тақя” (тангали) каби номлар билан машҳур бўлган турлари мавжуд. Уларнинг шакли, асосан, думалоқ, баъзилари қоғоз ёки пахтадан пилталаб, баъзилари қалин қоғоз тўшама қўйиб тикилади. Дўппига четдан келтирилган “фаранг”, “ларча” каби газмоқлар ишлатилади. Улар заргарлик безак буюмлари, турли табиий зумрад, ёқут, феруза, ақиқ, марварид каби тошлар қадаб безатилади. Тарихий манбалар Хоразм тейхаларининг жуда қадимий бош кийим эканини кўрсатади.

МУНОСАБАТ

КЕЛАЖАККА ЙўНАЛТИРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ИНВЕСТИЦИЯ

Санжар НАЗАРОВ, “Академнашр” нашриёти бош директори

Мамлакатимизда китобхонликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, китобхонларга яратилган шарт-шароит ва ноширларга берилган имтиёзлар сўнгги йилларда яққол кўзга ташланмоқда. Халқимизни, айниқса, ёшларни китобга, мутлолага қайтариш йўлида дадил саъй-ҳаракатлар бошланди. Китобхонларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг маънавиятини китоб орқали юксалтиришга эришиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.



Нихоят энди мамлакатимизда нафақат китобхонлик, балки ноширлик ҳамда матбаачилик соҳаси ҳам жаҳоннинг илғор мамлакатларида синалган усул асосида ривожланиб бораётган бўлди. Кўнча Президентимиз томонидан имзоланган “Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мамлакатимизда ноширлик, китобхонлик ва китоб савдосининг ривожланишига жиддий илҳом берди. Фаолиятини бошлаганлик ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш тизими йўлга қўйилган бундан бир

неча йиллар муқаддам тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган том маънодаги эркинлик бўлди. Бу соҳада рақобат кескин олишига олиб келади. Янги-янги ноширлар, ноширлик компаниялари ва матбаа корхоналари пайдо бўлиши табиий. Ажаб эмас, бу яқин йилларда мамлакатимиздаги нашриётлар сони миңдан ошishiга йўл очса... Демак, бундан буён мавжуд нашриётлар ўз фаолият йўналишларини кенгайтириши осонлашади. Диний адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этишдаги айрим суиистеъмолчиликка ҳам шу баҳона чек қўйилиши мумкин. Сир эмас, айти пайтда бу соҳада муаммолар, камчиликлар керагидан ортқ кўп эди. Шу ўринда ўзим ноширлик фаолиятини

ОЛИМПИАДА ЙўЛЛАНМАСИ СОҲИБЛАРИ

ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

Велоспортчи Муроджон Холмуродов спортчилар орузси бўлган “Токио–2020” Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Унинг муваффақияти ўтган йили пойтахтимизда велосоҳа бўйича ўтказилган Осиё чемпионатидан бошланган. Бу мусобақада зафар кучгандан сўнг Муроджон турли халқаро пойғаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Айни дамларда Олимпиада йўлланмалари пухта ҳозирлик кўраётган Муроджон Холмуродовдан спортга кириб келиши ва келгуси режалари ҳақида сўрадик.

— Спортга илк қадамнингиз, биринчи мураббийнингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Болалигимдан бирга ўсган дўстим Азиз Саломов билан велосипедда кўп сайр қилардик. Узаро пойга ўйнаганимизда маррага доимо биринчи бўлиб етардим. Дўстим мендаги иқтидорни сезган бўлса керак, велосипед спорти тўғрисида қатнашишимни тавсия қилди. Барчаси шундан бошланди. Илк велоспорт сирларини Гурлан туманидаги велоспорт жонкуярлари — Омонбой Жуманов, Маҳмуд Қўшчанов, Улугбек Ҳайдаровдан ўрганганман. Улардан бир умр миннатдорим. Ҳозир Алберт Исхандаров, Рустам Нуриддинов сингари тажрибали мураббийлар билан бирга машғулотлар ўтказяпман.

— Қайси чемпионатларда муносиб қатнашдингиз деб ҳисоблайсиз?

— 2018 йили Осиё ўйинларидаги иштирокимдан бироз қониқиб ҳосил қилган. Аслида илҳом борича ҳар бир мусобақага пухта ҳозирлик билан бораимиз. Сабаби, биздан юртдошларимиз, қолаверса, ота-онамиз, яқинларимиз, дўстларимиз, мухлислар галаба қутишини ҳис қиламан. Бироқ ҳар доим ҳам зафар қўчишининг илҳомий йўли. Мағлубиятлар аламини ҳам тотишга тўғри келади. Масалан, Лондон Олимпиадасида омадим

чопмаса-да, у менга йирик мусобақада қатнашиш тажрибасини берди.

— Велоспорт сизни нимаси билан ўзига ром қилади? Бу спорт билан шугулланмоқчи бўлганларга қандай маслаҳат берасиз?

— Велоспорт энг мураккаб спорт турларидан. Бу одамнинг нимига қодирлигини, иродасини ва маҳоратини кўрсатишда муҳимдир. Шу тарафи билан менга жуда ёқди. Велоспортга қизиқанлар, аввало, йўл ҳаракати қондаларини мукамал ўрганиши ҳамда машаққатли меҳнатга сабр-тоқатли бўлиши керак. 10-12 ёш — бу спорт тури билан шугулланишнинг айна вақти.

Олимпиадага тайёргарлик бўйича машғулотлар учун барча зарур шароитлар яратилган. Бугунги кунга Токио Олимпиадасига тайёргарлик Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Республика олий спорт маҳорати мактаби, Ўзбекистон велоспорт федерациясининг яқин кўмағида амалга оширилмоқда.

— Ҳар бир спортчининг орузси бўлади? Сизнинг-чи?

— Асосийси, навбатдаги Олимпиада ўйинларида совриндорлар сафидан жой олсам, дейман. Чемпионликни айтсам, жуда



баламдларвоз гап бўлади. Халқимиз “Қояга чиққан чўққини кўзлар”, деб бежиз айтмаган. Бор имкониятларни ишга соламиз, аммо қийин бўлиши шубҳасиз. Чунки рақобат жуда кучли, рақибларин ҳам ўта маҳоратли спортчилар.

Сўхбатдош: Абдулхай ЮНУСОВ

PS: Яқинда жисмоний тарбия ва спортдан, хусусан, велоспортни оммалаштиришга қўшган ҳиссаси ва “Токио—2020” йўлланмасини қўлга киритгани муносабати билан Муроджон Холмуродовга Хоразм вилояти ҳокимлиги янги куриб битказилган намунавий уй-жой тўхта ётди. Машҳур велоспортчи кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда, хусусан, Олимпиадада ҳам юқори кўрсаткичларга эришишга ваъда берди.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ



ЗАМАХШАРИЙ — буюк имом ва аллома

Убайдулла УВАТОВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Хоразмга ташифи чоғида бизникидек буюк тарих ер юзиде жуда камлигини, Жалолиддин Мангубердикек буюк аждодлар билан ҳар қанча фахрлансак арзишини, боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни кўпайтириш зарурлигини эътироф этар экан, буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илмий-маънавий меросини ҳам чуқур ўрганиб, тадқиқ этиш масаласига алоҳида урғу берди.

Хоразм заминидан азалдан жаҳон илм-фани, маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Айниқса, ўрта асрларда (IX-XII асрлар) бу диёр илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали фаолият юритган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Мисқо-вайх, Абу Саҳл Масъудий кабиларнинг довуриги турли Мағриб Мушриққа тарқалган эди. Бу заминда таваллуд топган буюк алломалардан бири Абул Қосим Маҳмуд Замахшарийдир.

Унинг тулқин исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, ҳижрий 467 йил ражаб ойининг 27-сиде (милодий ҳисобда 1075 йил 19 мартда) Хоразмнинг қатта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган. Шу боис, Замахшарий нисбасини олган. Олим Маккада яшаган пайтда мисрлик шоғирди, “Ал-Ақд ас-самийи фи тарийх ал-баллад ал-амийи” номли тарихий асар муаллифи Шаҳобиддин Аҳмад ибн ал-Хусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида: “Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг бир қишлоғи Замахшарга мансубман. Замахшар туғилган юртимдир”, деб ёзган.

Замахшар қишлоғи Замахшарийдек буюк зотнинг қиндик қони туқилган жой сифатида жумлаи жаҳонга донг таратди. Шу боис, араб мутафаккирларидан бири: “Дунёдаги барча қишлоқлар жам бўлиб, Хоразмнинг биргина ЗАМАХШАР қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ миң йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Замахшарийдек машҳур алломани дунёга келтирган”, деб ўз таҳсинини изҳор этган.

Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақидаги маълумотлар, асосан, ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг ўзи ёзган асарларда келтирилган. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда ибн Халликон (“Вафаёт ал-аъён”), Ибн ал-Анбарий (“Нусхат ал-алиб-бо фи табакот ал-удабо”), Ёқут ал-Ҳамавий (“Муъжам ал-удабо”), ал-Йофизий (“Миръат ул-жано”), Ибн ал-Жавзий (“ал-Мунтазам”), Жалолиддин ас-Суютий (“Буйёт ал-вуот”), Ибн ал-Кифтий (“Инбоҳ ар-рувот”) ва бошқа араб муаллифларининг асарлари асосий манбалар жумласига қиради. Бу муаллифлар келтирган ишончли ёзма маълумотларни умумлаштирган ҳолда Замахшарийнинг ота-онаси, унинг ёшлик йиллари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, ўз даврининг саводли, тақводор, диёнатли киши эди. Унинг онаси ҳам гоъта тақводор ва диндор аёллардан ҳисобланган ҳамда исломий илмлардан етарли даражада саводи бўлган.

Замахшарий дастлабки билимин отасидан олди. Таҳминан ўн икки ёшида қишнинг қаҳратон совуқ кунларида отдан йиқилиб, охириқабатда бир оёғи тизза қисмининг юқорисидан кесилиб, чўлок бўлиб қолган, отаси энди у ноғиронлиги сабаб оғир меҳнатга ярамайди, деб ўғлини кийим тикувчи устага шоғирдикка бермоқчи бўлади. Аммо ёшлиғидан илмга ҳавасманд Маҳмуд отасидан мадрасага таълим олишга юборишини сўрайди. Фарзандидаги илмга бўлган зўр иштиёқ, ҳавасни кўрган ота илтимосни бажо келтириб, Замахшарийни мадрасага беради. Ана шу пайтдан ёш Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари бўйича мукамал билимга эга бўлиб, ўз тенгқурлари орасида зўр қобилият ва катта истеъдодини намоён қила бошлади. Мадрасада ўқилмаган барча фанларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмлар мажмуасини тулқин эгаллади.

Эзма манбаларда келтирилишича, кейинчалик у Хуросонга қараб йўл олиб, Исфажон, Балх, Нишопур каби шаҳарларда бўлиб, кўплаб олимлар, илм-аҳллари билан учрашди, ўз билимини оширади. Кейинчалик илм йўлидаги сафарларини давом эттириб, Бағдодга келади, у ердаги олимлардан сабоқ олиб, улар билан қизгин илмий мунозараларда қатнашади. Бир неча йиллар давомида Бағдодда истиқомат қилганидан сўнг муқаддас шаҳар Маккага боради. Макка аҳли, унинг амри Абул Ҳасан Али ибн Ҳазма аш-Шариф ал-Ҳасаний ибн Ваҳхос Замахшарийни илқ кутиб олади. Уни гоъта улугула, кадр-қимматли муносиб баҳолайди.

Маккада икки йилча яшаганидан сўнг Замахшарий ватанига қайтади. Орадан кўп ўтмай, яна Маккага келади ва уч йил шу ерда яшайди. Ибн Ваҳхоснинг самийий ҳурмати ва муносабатидан илҳом олган Замахшарий ўзининг Қуръони карим маъноларини тафсирига бағишланган машҳур асари “Ал-Кашшоф”ни ёзиб тугатади.

Ҳаётида чуқур из қолдирган Маккада Замахшарий ҳазратлари жами беш йилча яшайди. Шу боис, Жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшнисини) деган ўта шарафли лақабга ҳам муъяссар бўлади. Сўнгра она юрти Хоразмга қайтиб, бир неча йил яшагандан кейин ҳижрий 583 йилнинг арафа кечаси (милодий 1144 йил) Журжония (ҳозирги қўҳна Урганч)да вафот этади. Шундан деярли икки юз йил кейин, яъни 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) ўзининг “Ар-Рихла” (“Саёҳатнома”) асарида Хоразм (қўҳна Урганч)нинг таъқарисиде Замахшарийнинг устиде куббаси бўлган мақбарасини кўргани ҳақида ёзади.

Буюк мутафаккир биз, авлодларга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, журғофия, тафсир, ҳадис, фиҳ ва илм ал-қироатга оид олтимишдан ортқ асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Замахшарий ижодининг кенг қўламплиғи ва илм-фан оламида тутган ўрнини англаш учун унинг замондошлари ва кейинги асарларда яшаган тадқиқотчилар айтган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтирамиз. Машҳур тарихчи ибн ал-Кифтий у ҳақда бундай деган: “Замахшарий илм ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга ўрнатилган аллома эди. У ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бор. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамликлар (ғайри араблар) орасида энг буюғидир”.

Машҳур олим Ибн Халликон ёзади: “Замахшарий тафсир, ҳади, наҳв, луғат ва илм ул-баён бўйича буюк имомдир. Ҳеч бир муволағасиз, маъкур илмларда у ўз даврининг янаоси, қўлдан-қўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди”. Замахшарийнинг асарлари мазмун жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина (айниқса, ижтимоий) соҳаларини камраб олган бўлиб, уларнинг сони, Ироқ олими доктор Фозил Солиҳ Самарийнинг ёзишича, олтимишдан ҳам ошиб кетади. Уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Асарларнинг турли даврларда кўчирилган қўләма нусхалари дунёнинг йирик шарқшунослик марказларида сақланади. Алломанинг кўп асарлари эса қайта-қайта нашр қилинган ва ҳозирги вақтда ҳам тадқиқотчилар томонидан янги-янги нашрлари тайёрланиб, чоп этилмоқда.

Олимнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган, илм аҳлларига яқши таниш “Ал-Кашшоф”, “Ал-Муфассал”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Асос ал-балого”, “Навоби ал-қалим” (бу асар 1992 йилда араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, юз миң нусхада чоп этилган), “Атвоқ уз-захаб”, “ал-Фоик фи гариб ал-ҳадис” каби машҳур асарлари бўлиб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, тадқиқ этиш ҳозирги даврда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.